

ЭР-ХОТИННИНГ АЛИМЕНТ МАЖБУРИЯТЛАРИНИ ТАЪМИНЛАШ УСУЛЛАРИ

М.Б.Миножиддинов

ТДЮУ мустақил изланувчиси

e-mail: abdurasulminojidinov@gmail.com

АННОТАЦИЯ

Алимент мажбуриятларини таъминлаш усуллари, биринчи навбатда, ажралиш ёки ажралишдан кейин қарамозидаги шахсларни молиявий қўллаб-қувватлашни таъминлашнинг ҳуқуқий механизмларига қаратилган. Бу усулларга кўпинча суд қарори билан берилган мандатлар, қарздорнинг даромадидан автоматик чегирмалар, мол-мулкни гаровга қўйиш ва бажарилмаганлик учун мумкин бўлган жарималар киради. Улар қабул қилувчи томоннинг молиявий фаровонлигини таъминлаш ва доимий ёрдам кўрсатиш бўйича қонуний жавобгарликни бажаришига хизмат қилади.

Калит сўзлар: алимент, мажбуриятлар, молиявий ёрдам, боғлиқлар, ҳуқуқий механизмлар, суд қарорлари, даромадни чегирини, мулк гарови.

АННОТАЦИЯ

Методы обеспечения алиментных обязательств в первую очередь ориентированы на правовые механизмы оказания финансовой поддержки иждивенцам после раздельного проживания или развода. Эти методы часто включают предписания суда, автоматические вычеты из дохода должника, залоговое удержание активов и возможные штрафы за неисполнение обязательств. Они служат для выполнения юридической ответственности по обеспечению финансового благополучия принимающей стороны и оказанию постоянной поддержки.

Ключевые слова: алименты, обязательства, материальная помощь, иждивенцы, правовые механизмы, судебные решения, вычет из дохода, залог имущества.

КИРИШ

Алимент мажбурияти оила ҳуқуқини ўта муҳим ва тартибга солиш нисбатан мураккаб бўлган ҳамда энг ижтимоий аҳамиятга эга бўлган институтларидан биридир. Алимент олувчиларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини таъминлаш, пировардида, давлатнинг ижтимоий функцияларини бажариш (оилани ҳимоя қилиш), алимент тўғрисидаги қоидаларнинг тўғри белгиланишига, уларни ундириш механизмларининг сифатига бевосита боғлиқ

бўлади. Бугунги кунда алимент тўлаш тўғрисидаги қонун ҳужжатларининг бир қатор қоидалари, хусусан, турмуш ўртоқлар ва собиқ турмуш ўртоқлар ўртасидаги алимент мажбуриятларини тадқиқ этиш зарурати мавжуд.

Фуқаролик ҳуқуқига доир тадқиқотларда “усул” ва “восита”ларга доир кўплаб ёндашувлар учрайди. Бу борада профессор Н.Имомов фикр билдириб шуни таъкидлайдики, хусусий ҳуқуқ соҳасида амал қилувчи ҳуқуқий муносабатлар барқарор бўлишини таъминлашга хизмат қилувчи воситалар (шартнома, медиация, ҳакамлик суди, талабнома)дан унумли равишда фойдаланади. Фуқаролик-ҳуқуқий усул ва воситаларни қўллашнинг механизмлари ва таомилларнинг тўғри ва ўринли қўллаш тушунча ва моҳиятни аниқлаб олишга имкон беради¹.

Бошқа бир ёндашувни С.В.Бошно таклиф қилади. Унинг фикрича, ҳуқуқий муносабатларнинг пайдо бўлиш асослари ҳуқуқ субъектларига ҳуқуқий ўзаро таъсир воситаларининг мажмуини белгилайди. Томонлар ўз ихтиёри билан, хавф-хатарлар асосида фуқаролик-ҳуқуқий шартнома тузадилар. Ҳуқуқий нормалар уларга ушбу муносабатларга киришда танлаш эркинлигини беради, улар қонунга риоя қилган ҳолда шартномада ўзаро ҳуқуқ ва мажбуриятларини мустақил равишда белгилаш имкониятига эга. Шартнома муносабатлари тенг, санкциялар шартнома тарафларининг манфаатларини таъминлаш учун мўлжалланган бўлади².

М.И.Брагинскийнинг фикрига кўра, мажбуриятларнинг бажарилишини таъминлашнинг асосий мақсади қарздорни ўз мажбуриятини бажаришга мажбур қилишдан иборат³. Е.А.Павлодскийнинг таъкидлашича, эса бундай усуллар қарздорни ўз зиммасидаги ҳаракатларни кредитор фойдасига амалга оширишга ундайди⁴. В.В.Витрянский мажбуриятлар ижросини таъминлаш воситаларининг мақсадларига қарздор томонидан ўз мажбуриятларини бажармаган ёки лозим даражада бажармаган ҳолларда рўй бериши мумкин бўлган салбий ҳолатларни олдини олиш ёхуд бундай ҳолатни зарарини камайтиришдан,⁵ шунингдек қарздорни ўз мажбуриятини аниқ бажаришга ундашдан иборатлигига эътибор қаратади⁶.

¹ Имомов Н.Ф. Коррупцияга қарши курашнинг фуқаролик-ҳуқуқий усул ва воситалари. //Ҳуқуқий тадқиқот. 2019. №9. 82-б.

² Бошно С.В. Способы и методы правового регулирования. //Право и современные государства. 2014. 53-60-б.

³ Брагинский М.И. Обязательства и способы их обеспечения: неустойка, залог, поручительство, банковская гарантия – М.: Правовые нормы о предпринимательстве. Бюллетень. Выпуск 1, 1995. - С.42

⁴ Павлодский Е.А. Договоры организаций и граждан с банками. – М.: Статут, 2000. - С.106.

⁵ Комментарий части первой Гражданского кодекса РФ для предпринимателей. – М.: Фонд «Правовая культура», 1995. - С.283.

⁶ Брагинский М.И., Витрянский В.В. Договорное право: Общие положения. – М.: «Статут», 1997. - С.384.

Айрим мутахассисларнинг тўғри таъкидлашича, ҳақиқатан ҳам, атамаларнинг ўзаро нисбатини белгилаб олиш талаб қилинади. Бу эса, ўз навбатида ҳар бир ҳуқуқий муносабатда қўлланиладиган атамаларнинг ҳуқуқуқий моҳияти ва аҳамиятини тўлақонли англаш ва тушунишга ёрдам беради⁷.

Демак, биз ушбу тадқиқот жараёнида оила ҳуқуқида алимент мажбуриятларини таъминлаш усул ва воситалари сифатида ўзаро келишув асосида, суд буйруғи тартибида, даъво тартибида алимент ундириш билан боғлиқ масалаларни атрофлича таҳлил этамиз.

Хорижий мамлакатлар қонунчилигига эътибор қаратадиган бўлсак, расмий никоҳ ёки фуқаролик (норасмий) никоҳ даврида ҳар бир томон бошқа томондан алимент тўлашни талаб қилиш тўғрисида суддан талаб қилиши мумкин, аммо турмуш қурмаган шериклардан бири бошқасидан алиментни талаб қила олмайди. Турмуш ўртоқлардан бири бошқасидан таъминот талаб қилиши жуда кам учрайди. Алимент бериш миқдорлари одатда, кичик ва олиш ниҳоятда қийин кечади⁸.

Муҳими шундаки, никоҳни бекор қилишда суд томонлардан бирига тегишли мол-мулкни қайта тақсимлаш ҳуқуқи эга. Бироқ, никоҳсиз муносабатларни тугатишда суд мулкни фақат кимга тегишли эканлигини эълон қилиш ҳуқуқи эга. Турмуш ўртоқлар ёки фуқаролик никоҳидаги шахслар ва турмуш қурмаган жуфтликлар ўртасидаги муҳим фарқ бўлса-да, учта муҳим омилни таъкидлаш керак. Биринчидан, кўплаб жуфтликлар учун 1991 йилдаги “Болаларни қўллаб-қувватлаш тўғрисида”ги қонун болаларни қўллаб-қувватлашни назарда тутди. Ушбу қонунлар турмуш қурган ва турмуш қурмаган эр-хотинларга бирдек қўлланилади. Иккинчидан, қонун қабул қилингандан сўнг, турмуш ўртоғини ёки шеригини қўллаб-қувватлашни ҳисобга олиш учун кўпинча пул этарли бўлмайди. Барча ажралишларнинг ярмидан камида судлар томонларнинг молиявий ресурслари бўйича ҳар қандай қарорлар қабул қилади⁹.

Тадқиқотлар шуни кўрсатадики, никоҳ пайтида алимент тўлаш мажбуриятини бажаришнинг қонуний усуллари мавжуд бўлса-да, амалда жуда кичик суммалар жалб қилинади ва улар камдан-кам ундирилади. Шубҳасиз, ажрашган кўплаб эр-хотинлар ажралиш жараёнини давом эттиришда нафақа ёки даромадга ишонадилар. Қонунчилик болани қўллаб-қувватлаш мажбурияти

⁷ Имомов Н. Қарз мажбуриятини таъминлашнинг фуқаролик-ҳуқуқий воситаларига нисбатан янгича ёндашувларнинг таҳлили. //Юридик фанлар ахборотномаси. 2020. №2. 43-49-бетлар.

⁸ Jonathan Herring. Family Law. Seventh edition. University of Oxford. 2015. 113-б.

⁹ Nigel Lowe, Gillian Douglas, Emma Hitchings, Rachel Taylor. Bromley's Family Law. Oxford University Press. 12-edition. 2015. 431-б. (Re SH (Care Order: Orphan) [1995] 1 FLR 746 at p. 749.)

ажралишдан олдин томонлар ўртасидаги молиявий муносабатларда устунлик қилади.

Эр-хотин ва собиқ эр-хотинларнинг ўзаро таъминот муносабатлари, оналар ва болаларнинг таъминот муносабатларидан фарқли ўлароқ, мутлак аҳамиятга эга бўлган шартни тақозо этмайди. Бунда эр-хотин ёки собиқ эр-хотиндан бирининг алимент олиш ҳуқуқи фақат ногиронлик, муҳтожлик ва алимент олувчининг ҳаётидаги бошқа ҳодисалардан юзага келади. Фикримизча, эр-хотиннинг алименти тўғрисидаги қоидалар ўзгартириш ва қўшимчаларни талаб қилади.

Турмуш ўртоғини алимент тўлаш мажбуриятдан озод қилиш ёки маълум муддатга чеклаш учун асослар рўйхатини тўлдиришни таклиф қилган О.А.Макеева фикрича, никоҳга кираётган вақтда эр-хотиндан бири ўзининг касаллигини қасдан яширган бўлса ва кейинчалик никоҳдан сўнг ногирон бўлиб қолганлиги сабабли алимент ундириш ҳақида сўрашлик ҳолатларида алимент мажбуриятдан озод қилиш ҳамда муддатни аниқ белгилаш лозим.

Никоҳдан ажралиш эр-хотинга, айниқса аёлга кучли руҳий таъсир кўрсатиши табиий. Бу борада алоҳида ижтимоий реабилитация ўташга доир механизмлар мавжуд эмас. Аёл киши ўзини оилага, болалари тарбиясига бағишлаган ҳолларда ўзининг иш лавозимида (карьерасида) ўта олмаган ҳолларда суд ушбу ҳолатга алоҳида эътибор қаратишини муҳим деб ҳисоблайди¹⁰.

Фикримизча, юқоридаги фикрлар албатта муҳим ижтимоий воқелик, аёлларни ижтимоий муносабатларда тенг ҳуқуқли иштироки алоҳида муҳим аҳамиятга эга. Бироқ, бу борадаги ёндашув шунчаки инглиз ҳуқуқидан кўчириб олиш орқали таъминланмайди. Айниқса, даромадни декларациялаш тизими, иш лавозимининг ўсиб бориши динамикасига доир қонуниятларнинг аниқ эмаслиги бу борада жиддий муаммони келтириб чиқаради. Судлар эса, одатда, қонун нормасига таяниб иш кўради.

Эр-хотиннинг алимент юзасидан ҳуқуқ ва мажбуриятлари, яъни бир-бирларига моддий таъминот бериш мажбуриятлари мулкӣ ҳуқуқ ва мажбуриятлар турларидан бири ҳисобланади. Бу масала бўйича жинсий ҳолат ҳеч қандай имтиёз белгиламайди.

Оила ҳуқуқида турмуш ўртоқлар ва собиқ турмуш ўртоқлар ўртасидаги алимент мажбуриятлари Оила кодекси 117-121-моддалари билан тартибга солинади. Агар эр ва хотин хохласалар, Оила кодексининг 31-моддасига

¹⁰ Макеева О. А. Актуальные направления реформирования алиментного законодательства России // Семейное и жилищное право. - 2012. - № 2. - С. 11-14.

мувофик, тарафлар ўртасида тузиладиган никоҳ шартномасида алимент бўйича келишувга эришиш имконияти мавжуд (Оила кодексининг 130-моддаси).

Агар алимент тўлаш учун эр-хотин ўртасида келишув тузилмаган бўлса, манфаатдор эр (хотин) тегишли даъво билан судга мурожаат қилиши мумкин. Оила кодексининг 117-моддасида эр-хотиннинг бир-бирига моддий таъминот бериш мажбуриятлари белгиланган. Бу борада алоҳида муддат назарда тутилган бўлиб, бола туғилган кундан бошлаб уч йил давомида таъминот (алимент) олиш ҳуқуқига эгаллигини назарда тутди. Даъво муддатининг ўзига хос кўринишини қайд этиш ўринли бўлади.

Шуни таъкидлаш ўринлики, аёлларнинг эркаклар билан тенг ҳуқуқлилигини таъминлаш ва уларга нисбатан ҳар қандай камситишларни таъқиқлаш бўйича жуда кўплаб халқаро ҳуқуқий ҳужжатлар қабул қилинган. Улар жумласига “Аёлларга нисбатан камситишларни тугатиш тўғрисидаги декларация” (1967 қабул қилинган), “Аёллар ва болаларни фавқулотда вазиятларда ва қуролли тўқнашувлар даврида ҳимоя қилиш тўғрисида декларация” (1974 йилда қабул қилинган), “Аёлларга нисбатан барча шакллардаги камситишларни тугатиш тўғрисидаги Конвенция” (1979 йилда қабул қилинган) киради.¹¹

Агарда БМТ ўз фаолиятини дастлабки даврларда аёлларнинг умумий ҳуқуқий ҳолати ва уларга нисбатан камситишларни бартараф этиш чора тадбирлари тўғрисида халқаро ҳуқуқий ҳужжатлар қабул қилган бўлса, кейинги босқичда эътибор кўпроқ аёлларнинг алоҳида ҳуқуқлари мазмуни ва уларни ҳимоя қилиш масалаларига бағишланди. Бундай халқаро ҳуқуқий ҳужжатлар жумласига “Аёлларнинг сиёсий ҳуқуқлари тўғрисидаги Конвенция” (1952 йилда қабул қилинган), “Эрга теккан аёлнинг фуқаролиги тўғрисидаги Конвенция” (1957 йилда қабул қилинган), “Никоҳга киришга розилик, никоҳ ёши ва никоҳларни қайд этиш тўғрисида Конвенция” (1962 йилда қабул қилинган), “Никоҳга киришга розилик, никоҳ ёши ва никоҳларни қайд этиш тўғрисида Конвенция бўйича тавсиялар” (1965 йилда қабул қилинган), “Одам савдосига қарши кураш ва учинчи шахслар томонидан фохишабозликда эксплуатация қилишга қарши кураш тўғрисида Конвенция” (1950 йилда қабул қилинган) ва “Қулчиликни ва қул савдосини ва қулчилик билан ўхшаш бўлган одатлар институтларини тугатиш тўғрисида қўшимча Конвенция” (1956 йилда қабул қилинган) мисол келтириш мумкин.¹²

¹¹ Права человека//сборник международных договоров. Нью-Йорк: ООН 1989 г.

¹² Ўша манба.

Бундан ташқари БМТнинг ихтисослашган муассасалари ҳам аёлларнинг ҳуқуқий ҳолати ва уларга нисбатан камситишларга йўл қўймасликка қаратилган халқаро ҳуқуқий ҳужжатлар тизимини яратиш жараёнида фаоллик кўрсатдилар. Жумладан, Халқаро Меҳнат Ташкилотининг бош конференцияси 1951 йилда 111-сонли меҳнат ва бандлик соҳасида камситишлар тўғрисида халқаро меҳнат ташкилоти Конвенциясини, 1935 йилда 45-сонли аёлларнинг ер ости меҳнати тўғрисидаги ХМТ Конвенцияси, 1948 йилда қайта тахрирда 89-сонли аёлларнинг тунги меҳнати тўғрисидаги ХМТ Конвенциясини, 1965 йилда 123-сонли оилавий мажбуриятлари бўлган аёлларнинг меҳнати тўғрисидаги Тавсияларни қабул қилди.¹³

2019 йилнинг 26 август санасида “Фуқаролик, оилавий ва жиноий ишлар бўйича ҳуқуқий ёрдам ва ҳуқуқий муносабатлар тўғрисидаги Конвенцияга қўшилиш тўғрисида”ги (Кишинёв, 2002 йил 7 октябрь) қонун президент томонидан имзоланди¹⁴. Қайд этиш зарур бўладики, Минск ва Кишинёв конвенциялари доирасида Адлия вазирлиги марказий орган функциясини бажариб келмоқда. Бу борада турли ёндашувлар, ҳуқуқий ҳамкорликнинг турли тушунмовчиликларини бартараф этишда ушбу органнинг ўрни алоҳида бўлишини таъкидлаш муҳим.

Минск (27-модда) ва Кишинёв (30-модда) конвенциялари эр-хотиннинг алимент мажбуриятларини тартибга солади. Агар эр-хотиндан бири бир Аҳдлашувчи Томон ҳудудида, иккинчиси эса бошқасининг ҳудудида истиқомат қилса ва ҳар иккала турмуш ўртоғи ҳам бир хил фуқароликка эга бўлса, уларнинг шахсий ва мулкӣ ҳуқуқий муносабатлари Аҳдлашувчи Томоннинг қонун ҳужжатлари билан белгиланади. Агар эр-хотиндан бири Аҳдлашувчи Томоннинг фуқароси бўлса, иккинчиси бошқа мамлакат фуқароси бўлса ва улардан бири бирининг ҳудудида, иккинчиси эса бошқасининг ҳудудида яшаса, уларнинг шахсий ва мулкӣ ҳуқуқий муносабатлар улар ҳудудида охириги биргаликдаги яшаш жойи бўлган Аҳдлашувчи Томоннинг қонун ҳужжатлари билан белгиланади.

Эркак ва аёл ўртасидаги расман қайд этилган никоҳ мавжуд бўлмаган пайтда, бу ҳолат (қонуний никоҳ муносабатида бўлмаганлари сабабли) уларнинг бирига бошқасидан тегишли моддий ёрдам беришни талаб қилиш ҳуқуқини бермайди. Бу қоида мутлақ тусга эга бўлиб, эркак ва аёлнинг амалда қанча вақт никоҳ муносабатларида бўлганига боғлиқ бўлмайди.

¹³ Деятельности ООН в области прав человека. Нью-Йорк: ООН. 1974 г.

¹⁴ “Фуқаролик, оилавий ва жиноий ишлар бўйича ҳуқуқий ёрдам ва ҳуқуқий муносабатлар тўғрисидаги Конвенцияга қўшилиш тўғрисида”ги (Кишинёв, 2002 йил 7 октябрь) қонун. //ХҲМБ. 03/19/554/3648-сон. 26.08.2019й.

Юридик адабиётларда эр-хотин ва эр-хотинлар учун алиментлар икки хил: доимий ва реабилитация қилинганлиги қайд этилади. Баъзи муаллифлар учта тур ҳақида сўз юритишади. Булар: вақтинчалик, доимий ва реабилитацияловчи¹⁵. Ушбу тасниф бир вақтнинг ўзида иккита мезонга асосланади: амал қилиш муддати ва тақдим этилган маблағларнинг мақсади. Ҳозирги вақтда реабилитация деб аталадиган алиментни белгилаш, бу собиқ турмуш ўртоғига оила аъзоларига ғамхўрлик қилиш, уй-рўзғор ишлари, болаларни тарбиялаш ва тўлаш билан боғлиқ бўлган маблағлар сифатида тушуниш мумкин.

Оила кодексининг 119-моддасига асосан, эр ёки хотинга бериладиган таъминот маблағининг миқдори қатъий суммада белгиланиши талаб қилинади. Эр ёки хотиннинг ўзаро моддий таъминот бериш мажбурияти турли вазиятлар билан боғлиқ. Хусусан, зарур шароитлар тугаши (вояга етганлик), меҳнат қобилятини қайта тикланиши, эҳтиёжмандликнинг бекор бўлиши, моддий имкониятнинг яхшиланиши, шунингдек, қонунда назарда тутилган бошқа ҳолатлар вужудга келиши билан тугайди.

Алимент олаётган шахснинг баъзан никоҳини бекор бўлиши натижасида бошқа никоҳ қуриши алимент тўлашнинг бекор бўлишига олиб келиши мумкин. Зеро, ушбу ҳолат ўзаро таъминот борасидаги мажбуриятни бекор қилади.

Оила кодексининг 146-моддасига кўра, суд тарафларнинг илтимосини инобатга олган ҳолда алимент тўлови миқдорини ўзгартириш ёки бўлмаса ундан бутунлай озод қилиши мумкин.

Эр-хотин ўртасидаги ҳуқуқий муносабатларни тартибга солувчи қонунлар улар ўртасидаги мулкӣ муносабатларнинг барқарор бўлишига, оилани мустаҳкамлашга хизмат қилади. Эр-хотин ўртасида вужудга келадиган низоларни тўғри ҳал қилиш алоҳида аҳамиятга моликдир. Бу низолар судлар томонидан адолатли асосда ҳал қилиниши лозим.

Фикримизча, эр-хотинлар ва собиқ турмуш ўртоқларнинг алимент тўлаш бўйича ҳуқуқий муносабатларининг ҳуқуқий моҳиятини аниқлашда улар нафақат турмуш ўртоқларнинг мулкӣ муносабатларининг бир тури, балки алимент тўлаш бўйича ҳуқуқий муносабатларнинг умумий тизимида ҳам киритилганлигидан келиб чиқиш керак.

ҲОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР (REFERENCES)

1. Имомов Н.Ф. Коррупцияга қарши курашнинг фуқаролик-ҳуқуқий усул ва воситалари. //Ҳуқуқий тадқиқот. 2019. №9. 82-б.

¹⁵ Астахова М.А. Способы защиты имущественных прав супругов // Нотариус. 2018. N 6. С. 30 - 33.

2. Бошно С.В. Способы и методы правового регулирования. //Право и современные государства. 2014. 53-60-б.
3. Брагинский М.И. Обязательства и способы их обеспечения: неустойка, залог, поручительство, банковская гарантия – М.: Правовые нормы о предпринимательстве. Бюллетень. Выпуск 1, 1995. - С.42
4. Павлодский Е.А. Договоры организаций и граждан с банками. – М.: Статут, 2000. - С.106.
5. Комментарий части первой Гражданского кодекса РФ для предпринимателей. – М.: Фонд «Правовая культура», 1995. - С.283.
6. Брагинский М.И., Витрянский В.В. Договорное право: Общие положения. – М.: «Статут», 1997. - С.384.
7. Имомов Н. Қарз мажбуриятини таъминлашнинг фуқаролик-хуқуқий воситаларига нисбатан янгича ёндашувларнинг таҳлили. //Юридик фанлар ахборотномаси. 2020. №2. 43-49-бетлар.
8. Jonathan Herring. Family Law. Seventh edition. University of Oxford. 2015. 113-б.
9. Nigel Lowe, Gillian Douglas, Emma Hitchings, Rachel Taylor. Bromley's Family Law. Oxford University Press. 12-edition. 2015. 431-б. (Re SH (Care Order: Orphan) [1995] 1 FLR 746 at p. 749.)
10. Макеева О. А. Актуальные направления реформирования алиментного законодательства России // Семейное и жилищное право. - 2012. - № 2. - С. 11-14.
11. Права человека//сборник международных договоров. Нью-Йорк: ООН 1989 г.
12. Деятельности ООН в области прав человека. Нью-Йорк: ООН. 1974 г.
13. “Фуқаролик, оилавий ва жиноий ишлар бўйича хуқуқий ёрдам ва хуқуқий муносабатлар тўғрисидаги Конвенцияга қўшилиш тўғрисида”ги (Кишинёв, 2002 йил 7 октябрь) қонун. //ХҲМБ. 03/19/554/3648-сон. 26.08.2019й.
14. Астахова М.А. Способы защиты имущественных прав супругов // Нотариус. 2018. N 6. С. 30 - 33.